

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Кўлга тушмас қароқчилар

Миллионлаб маблағ сарфлаб концерт берган хонанда ёхуд фильм суратга олган режиссёрнинг аудио-видео кассеталари, компакт-дисклари минглаб нусхада сотилади, бироқ улар муаллиф сифатида бир чаккам ҳақ олишолмайди.

3 Ҳокимият ва муҳаббат

Жаҳон банкининг собиқ президенти Жон Вулфовиц билан боғлиқ шов-шувли ҳодиса ҳали тинчимасдан туриб яна бир мажорро бошланди. Бу сафар матбуотнинг «айблов курсиси»да кимсан Европа комиссияси раисининг уринбосари Гюнтер Ферхойген ўтирибди.

4 «Йилт этган чироқ»

Ҳол Муҳаммад Ҳасан шейри мушоҳада қамрови кенг ижодкор. Шейрлари тиник ва сермавжлиги, ҳар бир айтган сўзи оҳорли маъно ва мазмунга бойлиги, ўз йўлини очиб, ўз билгича сўзлаш иштиёқи баландлигидан завқ оламан.

HURRIYATга
обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг,
ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Парвозга шай қалдирғочлар

Олий журналистика курсларининг илк битирувчиларига магистрлик дипломи топширилди

Замонавий журналист қандай бўлиши керак? Бу саволга ҳамма турлича жавоб беради. Кимдир журналист юксак ижодий қобилиятга эга бўлишига урғу беради. Яна кимдир оммавий ахборот воситаси ходими етук билим, бой ҳаётий тажриба ва юқори касбий малакага эга бўлишига урғу беради. Бироқ бугунги шиддатли тарққиёт замонасида журналист, энг аввало, маълум соҳага ихтисослашган бўлиши керак. Бизнингча, аниқ йўналишда ихтисослашув, жаҳият ҳаётий бирор бир соҳасини чуқур ва апрофлича ўрганиш — замонавий журналист қиёфасини белгилаб берадиган муҳим омил.



Журналистларнинг ихтисослашуви масаласида давлатимиз раҳбари ҳам ўз қарашларидан, матбуозларидан алоҳида тўхталиб ўтган эди. Бундан икки йил аввал эса Юртбошимиз томонидан айtilган давлатларнинг амалий ифодаси сифатида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети қошида олий журналистика курслари асос солинди. Президентимизнинг «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрталарига қабул тўғрисида»ги қарори 3-бандига мувофиқ, олий журналистика курсларининг очилиши юртимиз журналистика таълими тизимига янги саҳифа очди.

Мана, Миллий университет қошида олий журналистика курслари ташкил этилганига ҳам икки йил бўлди. Ўзбекистон Миллий университетидан олий журналистика курсининг илк битирувчиларига диплом топшириш маросимига иштирок этиб, ўтган икки йиллик мuddат давомида кетмаган, таълим маскани олдига қўйган улғур максадлар сари дадил одимлаганига шохид бўлдик. Дастлабки битирувчилар билан суҳбатлашши жараёнида шунга амин бўлдикки, фаолият юрита бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган маскан ўз бағрида иктидорли, маҳоратли, билимдон ва журналистика соҳасига меҳри банд ёшларни воёга етказибди.

Олий журналистика курсининг илк қалдирғочларига диплом топшириш тантанасини очган **ЎЗМУ ректори, профессор Фафур Муҳамедов** бу воқеа дорилфунун солномасида улғур кун сифатида алоҳида қайд этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони маъсул ходими Фатҳиддин Мухиддинов ҳам битирувчи ёшларни катта муваффақият билан қутлади. Президентимиз ташаббуси билан очилган илк битирувчилари ОАВ ходимлари олдига қўйилган улғурроқ мақсад-вазифаларни амалга оширишда қамарбаста бўлишларига ишонч билдирди. Битирувчиларни табриклаш маросимида **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси раиси Шерзод Гуломов** ҳам иштирок этди. Уюшма раиси юртимизда кадр топаётган соҳа эгалари — журналистларнинг яна бир янги авлоди етишиб келаётганидан манмулигини изҳор қилди. Уларнинг келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

ЎЗМУ журналистика факультети декани, профессор Қудрат Эрназаров эса МДХ давлатларида ягона бўлган олий журналистика курсларидаги таълим жараёни ҳақида сўзлаб берди.

Маълумки, олий журналистика курслари бирор бир йўналиш бўйича олий маълумот эгаси, аниқ пайтда журналист касбини эгаллаш истагиди бўлган ёшлар қабул қилинади. Аниқ соҳа бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлган етук кадрлар тайёрлашга йўналтирилган курсларда таълим жараёни махсус дастур асосида олиб борилади. Тингловчиларнинг чуқур ва мукамал билим олишини қўллаб-қувватлаш чилкидан дастурга кўра, талабалар ОАВ назарияси ва амалиёти, қонунчилик, жамоатчилик билан ишлаш, ахборот коммуникация технологиялари ва Интернет каби йўналишлар, шунингдек, махсус курслар бўйича машғулотларда иштирок этадилар. Эътиборли томони, таълим жараёни,

нига мамлакатимизнинг таълим журналистлари, ўз соҳасининг моҳир усталари жалб этилган. Хусусан, эл ардоғидаги ижодкорлар иштирокида ташкил этилган маҳорат мактаби сабоқлари фойда самарали бўлмоқда.

Олий журналистика курсларини ташкил этишдан кўзланган мақсад матбуотимизнинг оғрикли муаммоси бўлиб қолаётган ихтисослашув масаласини ҳал этиш, малакали, аниқ мутахассисликка эга етук кадрлар етиштириш бўлди.

Дарҳақиқат, олий журналистика курсларининг битирувчилари ҳозирданок ўз уринларини топиб улгуришган. Улар мамлакатимизнинг нуфузли матбуот нашрлари, электрон ОАВда фаолият юритишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, етуклик ва бағоят дипломини олган ёшларни суҳбатга чорладим.

Шавқиддин Жўраев:

— Журналист бўлиш орзусида юрган биз каби ёшлар учун олий журналистика курслари жуда катта имкониятлар эшигини очди. Айтиш мумкинки, курс битирувчилари мамлакатимиз журналистикасида янги даврни бошлаб берадилар. Чунки бугун диплом олган талабалар шунчаки журналистлар эмас. Улар маъруз соҳа билан бир қаторда қўшимча яна бир йўналиш ҳам чуқур ўрганган мутахассислардир. Олий журналистика курсининг би-

ринчи қалдирғочлари сифатида зимма-зиммадаги улкан масъулиятни ҳис қилиб турибмиз. Янги ижод уфқларини очишга, олган билимларимизни амалиётда ҳам намоийш этишга ҳаракат қиламиз.

Ирода ИЛХОМОВА:



— Олий журналистика курсларининг илк битирувчилари қаторидан жой олганидан беҳад хурсандман. Аслида Миллий университетнинг хорижий филология факультетини тамомлаганман. Бакалавр босқичида ўқиб юрган пайтимидаёқ хорижий филология соҳасидаги билимларни журналистика бўйича ижодий тажриба ва маҳорат билан уйғунлаштиришни кўнглимга туккан эдим. Шу мақсадда янги очилган олий журналистика курсларига ўқишга кирдим.

Икки йил давомида соҳа бўйича чуқур назарий билимлар олдик, ижодий малака ва маҳорат сирларидан божабар бўлдик. Бугун икки йиллик меҳнатлар самараси бўлган дипломни ҳам қўлга киритдик. Бироқ диплом олингани ҳамма нарса ҳал бўлди, дегани эмас. Барча масъулиятли дамлар олдинда. Келгусида ўз ижодий фаолиятимиз билан усталар ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз, бор куч-ғайратимизни миллий журналистикамиз ривож йўлида сафарбар этамиз.

Шерзод ОЧИЛОВ:

— Курс сабоқлари биз учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди. Ешилган журналистика соҳасига, хусусан, телевидениеда икитисодий йўналишда телекўрсатувлар тайёрлашга қизиққанман. Айтиш шу қизиқчандирки, курс сабоқлари биз учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди. Ешилган журналистика соҳасига, хусусан, телевидениеда икитисодий йўналишда телекўрсатувлар тайёрлашга қизиққанман.

Айтиш шу қизиқчандирки, курс сабоқлари биз учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди. Ешилган журналистика соҳасига, хусусан, телевидениеда икитисодий йўналишда телекўрсатувлар тайёрлашга қизиққанман.

Айтиш шу қизиқчандирки, курс сабоқлари биз учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди. Ешилган журналистика соҳасига, хусусан, телевидениеда икитисодий йўналишда телекўрсатувлар тайёрлашга қизиққанман.

Хабар

Танлов юқори савияда ўтади

«Энг улғур ва энг азиз» танлови ташкилий кўмитасининг навбатдаги йиғилишида ана шундай тўхтамга келинди


Йиғилишни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори, танлов ташкилий кўмитаси раиси Бобур Алимов олиб борди. Ташкилий кўмитанинг берган маълумотига қараганда, шу йилнинг 23 июлигача танловга жами 153 нафар муаллиф 518 та ижодий ишини тақдим этган. 40 нафар муаллиф томонидан тақдим қилинган 150 га яқин ижодий иш қўлёзма кўринишида бўлгани учун танловда иштирок эта олмайди.

Маълумки, танловда ижодкорлар 5 та номинация бўйича иштирок этадилар. Бадий асарлар номинацияси бўйича 30 нафар муаллиф 70 га яқин, матбуот бўйича 9 нафар муаллиф 40 дан ортиқ, ТВ ва радио бўйича 22 нафар муаллиф 44 та, тасвирий санъат номинацияси бўйича 21 нафар муаллиф 100 та, кино бўйича 10 нафар муаллиф 14 ижодий ишини тақдим қилган. Танлов шартига кўра ижодий ишлар 1 августга қабул қилиниши назарда тутилса, тақдим қилинадиган ижодий ишлар салмоғи бундан-да ошиши шубҳасиз. Танловда ижодкорлар мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан иштирок этишмоқда. Мавзулар, жанрлар ранг-баранг. Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар ҳамма 2 тадан рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган.

«Энг улғур ва энг азиз» танлови ташкилий кўмитаси йиғилишида танловнинг тайёргарлик босқичлари, ўтказиш мuddати, ташкилий-молиявий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ташкилий кўмита аъзолари йиғилишда танлов ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказилиши керак, деган хулосага келдилар.

МУХБИРИМИЗ



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Маънавият

Гулистонга зиё келди

«Шарқ» нашриёти қошида «Шарқ зиёкори» китоб маркази бор. У нашрётимизда чоп этилаётган бадий китоблар, ўқув қўлланмаларини сотиш билан шуғулланади.

Эркин МАЛИК

Аввалига китобларимиз шаҳарнинг ўзидagina сотилиб, ишларимиз юришмайроқ турган эди. Барака топкур Равшан Ҳамзаев деган ёшгина йигит марказга директор бўлди-ю, ишлар юришиб кетди. У барча вилоят ҳокимликларини билан баҳамжихат, жойларда филиалларни оча бошлади. Шундай қилиб йиғилиб қолган китоблар тўғрисида янги-янги ўзанлар очилди. Бу китоблар савдоси билан боғлиқ ўзига хос янги бир тизим эди. Шундай тизимлардан биттаси Гулистонда ҳам ташкил этилган. Ҳокимлик марказ учун гавжум кўчалардан биридан жой ажратган эди. Бир гуруҳ қалам аҳллари: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ахрор Аҳмедов, шoir Икром Отамурод,

ри Гулистонга жам бўлиб байрам қилишарди. «Бундай шароитда ҳоким бува, албатта, катта байрамга борадилар-да», деб мен яна ўз фикримни маълумламоқчи бўлдим. Шу пайт кўча чеккасида бир машина келиб тўхтади. «Келдилар», деб қолди кимдир. Вилоят ҳокими Абдурахим Жалолов дабдабаларсиз, ёлғиз ташриф буюрган эди.

Китоб маркази очилишида ҳоким бугунги кунда китоб ва китобхонлик масаласини ўрамадан, чирмамадан тараққиётимиздан орқанда қолиб кетаётганини рўйи рост айтди. Ва бунга биз раҳбарлар ҳам айбдоримиз, деди. Худди шу нуктада бизнинг қарашларимиз учрашди. Чунки каминанинг ўзи шу масалаларда бир қатор туман ҳокимлари ва шу соҳа кишилари билан суҳбатлашган, китобларни дўкон нархидан 15—20 фоиз арзон нархда нашрётимиздан олишлари мумкинлигини, биз қилаётган чегирма сарф-харажатларни қолла-

шини, баҳонада хонадонларга китоб кириб қолишини кўп гапирганман. Улар «йўқ» дейишмаган, лекин бош қотиргилари ҳам келмаган.

Биз ҳоким китоблар марказини очадилар-у, кетсалар керак деб ўйладик. Йўқ ундай бўлмади, ҳокимнинг табиатида беточатлик йўқ экан. Шу билан бирга у китоб оламига бефарқ эмас экан. «Шарқ»да чоп этилган «Амир Темур», «Хива», «Бухоро», «Термиз» альбомлари, бадий китобларни бирма-бир олиб кўздан кечирди. Анча-мунча тарихий романлар ёзиб, эл оғзига тушган Асад Дилмурод билан ҳоким туркийларнинг қадимги қабиласи бўлган хунлар ҳақида жиддийгина баҳсладим. Ёзувчимиз хурсанд бўлганидан янги чиққан романи — «Маҳмуд Таробий»га дастхат ёзиб, совға қилди. Шу билан баробарда Тоҳир Малик ўз асари «Шайтанат» номининг келиб чиқиши тўғрисида тўхталиб, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий асарларида бу сўз учрашини камтарлик билан баён қилди.

Давоми 2-бетда.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади



Кузатув

Лоқайдлик

Давлат тилига нисбатан бўлмаслиги керак

Аваллари «Тошкент кичик темир йўли» деб аталган болалар темир йўли маъмурияти ва бош бекати томон юришим билан у ердаги ахборот-ёлон мазмунидаги ёзувларга кўзим тушди: фақат бир жойда лотин алифбосида «Болалар темир йўли» деган ёзувгина давлат тилида битилгани кўринади. Ахборот ва ёлон мазмунидаги қолган барча ёзувлар фақат рус тилида битиб қўйилган. Масалан: «Детская железная дорога», «Правила пользования пассажирскими вагонами», «Администрация Ташкентской детской железной дороги», «Дежурный по станции», «Посторонним не входить». Ўзбекча битилган яна нима бор экан, деб яхшироқ қараганимда, «Хизмат хоналарида чекманг» деган ёзувни ҳам топдим, аммо бошқа ўзбекча ёзувлар учрамади...

Чипталар сотиладиган кассанинг ўзи йўқ. Ҳаммадан бир киши 300 сўмдан пул йиғиб олди, аммо ҳеч кимга чипта бермади. Афтидан, илгар ишлатиб келинган, собиқ Ит-



тифоқ давридан қолган чипталар энди тугаб қолганга ўхшайди... Поездада юриш асли неча пул экани ҳақида бирорта ёлон ҳам учрамади. Холасангиз-хохламасангиз, биле сотаётган бу амаки йўловчиларни алдамаётганмикан, деган фикрга борасиз.

Болалар темир йўлидаги бу ҳолат катталар темир йўлига ҳам хосга ўхшайди. «Тошкент-Гулистон» электропоезидига шу йилнинг 25 март кунининг 2 та чиптани илова қилинган. Уларда давлат тилида битилган фақат «Ўзбекистон темир йўллари» сўзлари бор, холос. Шунда ҳам Д (авлат) А (кционерлик) Т (емир йўли) К (омпанияси) ўрнига ГАЖК

(Государственная Акционерная Железнодорожная Компания) деб ёзиб, унинг тагига «Ўзбекистон темир йўллари» дея ёзилган; ярми русча, ярми ўзбекча.

Автомобил транспортида ҳам давлат тилига муносабат бундан яхши эмасга ўхшайди. Шу йил 19 апрел кунининг 20-00 да «Тошкент» автовокзалдан жўнаган «Тошкент-Термиз» йўловчи автобусига сотилган чиптани кўриб ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Бу чиптанинг ёзувлари фақат рус тилида!

Бу қандай гап ўзи? Бу ҳолатни қандай тушунишимиз керак? Бирорта кичикроқ амалдор (айтайлик, ўша боғ дериктори ёки автовокзал раҳбари) ўзбек тилида гапиришни ва ёзишни маъқул кўрмаса, бўлди, у ўзи билганидек иш кўраверадими?

Янги тахрирдиги «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддаси талабига кўра, ҳар қандай кўрғазмали ахборот давлат тилида битилиши керак. Лозим бўлса, улар бошқа тилда қайтарилши мумкин.

Қонуннинг қонунлиги ҳар бир нарсада кўриниб турсин. Халқимизни ҳуқуқий саводхонлиги ошишида, қонунга ҳурмат руҳида тарбияланиб боришида тил тўғрисидаги қонуннинг ҳамма ерда бирдек бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ



Нигоҳ

Саккиз йилга чўзилган маҳкама

Ливия ҳукумати болгариялик ҳамшираларга берилган ўлим жазосини умрбод қамоқ билан алиштирди

Ливия олий қонунчилик кенгаши беш нафар болгар ҳамшираси ва фаластинлик шифокор билан боғлиқ маҳкама жараёнига нукта қўйди. Ливиялик 400 дан зиёд болаларни ОИТС вируси билан захарлашда айбланган хоризж фуқароларга қарши суд жараёни 8 йилдан ошиқроқ давом этди. Бу мuddат ичида айбланувчиларга уч бора берилди, шунча марта бекор қилинган ўлим жазоси умрбод қамоқ билан алиштирилди. Ливия жамоҳириятида олий қонунчилик кенгашидан ҳам юқори турадиган суд инстанцияси йўқ. Демак, сўнгги ҳукми қатъий, шикоятга ўрин йўқ.



Ливия етакчиси Муаммар Қаззофийнинг ўғли, мазкур суд иши бўйича Европа Иттифоқи билан асосий востачи бўлган Саиф ал-Ислом Болгариядан Ироқ масаласида позициясини кўриб чиқиш, яъни урушга қўшилмасликни талаб қилди. Бироқ Болгария ҳукумати бу талабларга эътибор бериб ўтирмади ва Ироқ урушида биринчилар қаторида иштирок этди...

Болгар ҳамширалари дастлабки суд сўровларида айбларига иқроқ бўлишди. Бироқ орадан озроқ вақт ўтганидан кейин қўйилган барча айбларни рад этишди, уларга қарши қийноқлар қўлланганини билдиришди. Ҳимоя томони болаларнинг инфекцияга чалинишига ҳамширалар эмас, Бенгази шифохонасидаги санитарияга зид ҳолат сабаб эканини айтиди. Люк Монтанье бошчилигидаги Фарб шифокорларидан иборат текширув гуруҳи ҳам айна шу хулосага келди.

Бу орада маҳкаманинг дастлабки ҳукми бекор қилиниб, иш қайта терговга юборилди. Европа Иттифоқи дипломатия туфайли эришган муваффақиятидан хурсанд бўлиб турган бир пайтда Ливия суди ўлим жазосини қайта тайинлади.

Табиийки, Европа ҳўкмдан норози бўлди. Ливия раҳбарининг ўғли Саиф

ал-Ислом эса отаси номидан сулҳ тақлиф қилди: Болгария бедаво дардга чалинган ҳар бир бола бошига хун сифатида 10 миллион евродан тўлаши керак. Шу тариқа расмий Триполи 426 нафар бола учун умумий миқдорда 5,5 миллиард доллар хун талаб қилди. Бунча катта миқдордаги маблағни тўлаш Болгария ҳукумати га маъқул келмади. Боз устига, хун берилиши ҳамшираларнинг айбини тан олиш билан баробар эди...

Маҳкама жараёни июль ойининг бошида ҳал қилувчи босқичга кирди. Дарвоқе, бу пайтга келиб, фаластинлик шифокор Ашраф ал-Ҳажоҳ ҳам ЕИнинг қўмағи билан Болгария фуқаролигини олган эди.

Кутилмаганда музокаралар бошида турган Саиф ал-Ислом Европа Иттифоқи жағранган оилаларга компенсация тўлашга рози бўлганини маълум қилди. Ливия олий суди эса келишув мустақамлиги учун бўлса керак, айбланувчиларни учинчи марта ўлим жазосига ҳукм қилди. Кейинроқ маълум бўлишича, Европа Ливия билан жабр қўрган оилаларга 10 миллион евро эмас, бир миллион доллардан беришга келишгани ойдинлашди. Шу пайтга қадар муросядан қўра босим ўтказишни маъқул кўраётган Болгария ҳам охири Муаммар Қаззофий ва унинг ўғлига ён берди: София Ливиянинг 400 миллион долларлик қарзидан воз кечди.

Саккиз йилга чўзилган маҳкама жараёни якунланганда. Энди умрбод қамоққа маҳкум этилган шифокорларни Болгарияга экстрадиция қилиш масаласи кун тартибда турибди. Бироқ европалакларда Муаммар Қаззофийнинг қайтарилиши бўлиши, қарорини ўзгартириб қолмас эди, деган хавотир ҳам йўқ эмас.

Абдул СОБИР

Можаро

Жаҳон банкининг собиқ президенти Жон Вулфовиц билан боғлиқ шов-шувли ҳодиса ҳали тинчимасдан туриб Европа Иттифоқининг юқори рутбадаги амалдори билан боғлиқ яна бир можаро бошланди. Бу сафар матбуотнинг "айблов курсиси"да кимсан Европа комиссияси раисининг ўринбосари Гюнтер Ферхойген ўтирибди.

Германияда нашр этиладиган Bunte журнали ўз саҳифаларида шов-шувли суратлари чоп этди. Уларнинг бирида Европа комиссияси раисининг ўринбосари ўз қўл остида ишлайдиган Петра Эрлернинг уйига кириб кетаётгани акс этган. Иккинчи фотосуратда эса германиялик юқори мартабали арбоб тонгда Эрлер хонимнинг уйдан чиқаётгани тасвирланган. Ушбу фотосуратлар эълон қилиниши билан Гюнтер Ферхойген журнал тахририятини унинг шахсий ҳаётига аралашади айблов судга берди. Бироқ энди маҳкама жараёнида ким галаба қозонишининг аҳамияти йўқ, Омади чоғиб Ферхойген судда голиб чиқса ҳам, барибир жамоатчилик ўртасида унга нисбатан пайдо бўлган ишонсизликни йўқота олмайди. Қолаверса, унга қарши бу икки суратдан бошқа далиллар ҳам бор...

Еврокомиссия раиси ўринбосари лавозимидан фойдаланиб, маъшуқасини юқори мансабга тайинлашда айбланяпти (германиялик арбоб билан ишқий муносабатда айбланаётган 48 ёшли Эрлер хоним Еврокомиссияда маъмурият раҳбари вазифасида ишлайди). Гарчи айбловлар

Ҳокимият ва муҳаббат

Европа Иттифоқи комиссари ахлоқсизликда айбланяпти

табиий равишда рад этилаётган бўлса-да, немис матбуоти бу ҳолатни Жаҳон банки президенти қилиниши билан қиёслаганди. Хабарингиз бор, худди шундай айблов туфайли Жон Вулфовиц яқиндагина истеъфога чиқишга мажбур бўлди.



Тахлилчилар бу ҳодисани Германия давлати учун яхшигина зарба бўлди дея баҳолашапти. Нега деганда, Германия июль ойи бошига қадар Европа Иттифоқи раислик қилляпти. Катта иттифоққа раҳбар бўлган давлат вақили томонидан ахлоқсизликка йўл қўйилиши эса соҳиш манзара, албатта. Боз устига, Еврокомиссия раисининг ўринбосарлиги билан бирга савдо ва тadbиркорлик

плярда... офтобда тобла-ниб ётган сурати ҳам матбуот юзини кўрганди. Плярда яланғоч ҳолда дам олиб ётган эркак ҳамда аёл-ни шунчаки ҳаммаслар деб аташ эса қўпм ишонарли чикмайди...

Европа Иттифоқининг айрим юқори мартабали арбоблари Гюнтер Ферхойгенга қўйилаётган айбловларни қўллашапти. Энг қизиги, улар орасида германиялик ҳам бор. Европарламентдаги христиан социал иттифоқи раиси Маркус Фербер жана Ферхойген қилган ахлоқсизлиги учун истеъфога чиқиши зарурлигини таъкидлаган. Европарламентдаги яна бир немис депутати Герберт Ройль эса Еврокомиссия раиси ўринбосари номаъқул қилиниши билан ўз обрўсини тўкиб қолмай, Европа Иттифоқининг улкан лойиҳаларини амалга оширишга ҳам халақит берапти деб айтган. Текин томошага ўл жамоатчилик эса Жон Вулфовиц тақдирини Гюнтер Ферхойген мисолида яна такрорланганини интизорлик билан кутаяпти.

Буюк Британияга бормоқчимисиз?

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси мамлакатимиз фуқароларига виза хизмати кўрсатиш тизимини янгиланганини маълум қилади. Бунга қўра, виза тақдим этишининг янги тизими «TNT International Express» компанияси билан узвий ҳамкорликда олиб борилади.

Жорий йилнинг 7 августидан бошлаб Буюк Британияга боришни истаган ҳар бир фуқаро зарур ҳужжатлар ва виза аризасини элчихонага юбориш учун «TNT International Express» хизматидан фойдаланади. Яъни эндиликда фуқаролар бевосита элчихонага бормасдан компания орқали ҳужжатларини тақдим этишлари мумкин. Ҳужжатларни етказиб бериш ва қайтариш хизмати учун 22 АҚШ доллари миқдорда ҳақ тўланади. Элчихона маъмуриятининг сўзларига қўра, янги хизмат тизими фуқароларнинг вақтини теҳаща қўл келди. Нега деганда, «TNT International Express» компанияси нафақат Ташкент, бугун мамлакат миқёсида ҳужжатларни қабул қилиш ва етказиш билан шуғулланади. Тизимнинг тақомиллаштирилиши муносабати билан виза сўраб берилаётган аризалар сони кескин ошиши мумкин. Бундай пайтда эса аризаларни кўриб чиқиш мuddати чўзилиши мумкин. Ушбу муаммонинг




олдини олиш мақсадида аризалардан ҳужжатларни инглиз тилидаги вариантини ҳам тақдим қилиш талаб этилади. Элчихона консуллиги маълумотида қўра, жорий йилнинг 23 июлидан барча ҳужжатлар инглиз тилидаги таржимаси билан қабул қилинмоқда. Шунинг эътиборда тутиш керакки, ҳужжатларнинг инглиз тилидаги таржимаси берилмаслиги виза берилишини орқаси суричи, ҳатто рад этилишига сабаб бўлиши мумкин. Маъзур ўзгаришлар виза бериш тартибини тақомиллаштириш ва қўлайлаштириш мақсадида амалга оширилмоқда. Ортдошларимиз Буюк Британия кироллиги визасини олиш бўйича қўшимча маълумотларни www.britain.uz сайти орқали олишлари мумкин.

Тафсилот

БМТ-АҚШ: кун тартибида муҳим халқаро масалалар

Утган ҳафта АҚШ президенти Жорж Буш ва БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун учрашуви бўлиб ўтди. Икки нуфузли арбоблар учрашувида халқаро сиёсатга дахлдор муҳим масалалар — Яқин Шарқдаги ахвол, Шимолий Кореянинг ядро дастури, Суданнинг Дарфур музофотидаги вазият ҳамда глобал миқёсда иқлим ўзгариши муаммоси муҳокама этилди. Президент Жорж Буш радикал-экстремистик қучлар Ироқ, Афғонистон ва бошқа давлатларда Қўшма Штатлар ҳамда БМТ демократияни мустақамлаш йўлидаги ҳамкорликда олиб бораётган сий-ҳаракатларга қарши турганини хавотир билан эслаб ўтди. Қийинчиликларга қарамай, мамлакат ёш демократик давлатларни қўллаб-қувватлашда давом этиши-



ни маълум қилди. Яқин Шарқдаги вазият кўп жаҳатдан Ироқдаги ахволга боғлиқ бўлиб қолганини таъкидлаган Бош қотиб Пан Ги Мун БМТ коалицион қучлар билан биргаликда араб мамлакатидеги тиклаш жараёнида фаол иштирок этиши, диний низоларни бартараф этишда жон-бозлик кўрсатишини маълум қилди. Пан Ги Мун, шунингдек, АҚШ раҳбарининг жорий йил охирида Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан учрашуви тўғрисидаги режаларини ижобий баҳолади. Нуфузли ташилот етак-

Мулоҳаза

Бу мавзу барчамизга таниш. Кўча-кўйда катта-катта сумка қўтарган аёлларни кўравериб кўзимиз «пишиб кетган». Мен ҳар кун йўл юрман. Виллоят маркази яшаш жойимдан эллик чақирим олисда. Хизмат тақозоси туфайли ишхонамга гоҳ автобусда, гоҳ поезд, баъзан «Форд», «Дамас» русумли автомашиналарда етиб бораман. Сумка қўтарган аёлларни эса транспортларнинг ҳар бир турида учратаман ва гаройиб, аянчи, қулгили воқеаларга дуч келаман.

Оила бегими ёки...

Бугун эрталаб соат олти яримда яшаш жойим Санг қишлоғининг 49-километр деб номланган бекатидан шаҳарларга қатновчи «Анджон-Наманган-Кўкон» йўловчи поезд вагонларидан бирига чиқдим. Ҳафтанинг ўрталари эди. Агар душанба ёки жума, яқшанба кунлар бўлганда, вагонлар йўловчилар билан ниҳоятда тирбанд бўларди. Чунки қишлоқ шаҳарда ишлайди, ўқийди, бозор-ўчар дегандек. Лекин бугун одам сийрак. Ичкарига қараб йўл олдим. Бироқ бўш жой йўқ. Уриндикларда синтетик матодан «заказной» қилиб тикилган катта қоплар — ичи тўла майда-чўйда (пайпоқ, майка, қўйлак, дастурўй) солинган сумкаларни бошлаб остига қўйиб, бамайилхотир чўзилиб уйқун ураётган қиз-хувонларни кўриб қизимга қайтдим. Хотин-кизларнинг ёшлари 25-35 ларда. Илгари ҳам уларни кўча-кўйда учратсам, «Тирикчилик-да» деб ўтиб кетарлардим. Бу сафар тўрт киши сизгадан уриндикларни хонзодлардек эгаллаб олган аёлларнинг жамоат жойида бемалол ётишлари энсамни қотирди.



— Сизга ўрин топамиз, — деди вагон кузатувчиси Насиба опа, — анови жойга ўтириш, — дея ҳаммасларни билан патта йиғишга киришиб кетди. Утирган жойимнинг орқа томонида эса ёнбошлаб ётган аёлларнинг гап-сўзлари аниқ-тиник эшитила бошлади. — Шойхи, кеча эринг нима овқат пишириб қўйибди? Иккинчиси, Шойхис бўлса керак, ётган қийи жавоб қайтарди: — Ох-ох, аччиқкина шавла экан. Гуручи сал хомроқ экан-у, лекин қорин ўлғур оч эди, паққоз тиширдим. Сеники-чи? — Э, шўрва пиширибди. Бизники ҳам овқат қилишга ўқув йўқ, гап бўлса бўлди унга. Тузи кўп экан, шўри чиқиб кетибди. У билан ўришиб ҳам қолдим. Эрталаб кечирим сўради. Атайлаб ҳеч нарса емдим. Яхшиям, анови поездда юрадиган боладан «минералка» олиб, пирожка билан ичиб-ёб олгандим. Бўлмаса, мени бугун кўрмасдинг. Сен нариги вагонда келдинг шекилли, кўринмадинг? — Ҳа, аранг етиб келдим. Аёллар бири олиб, бири қўйиб ташвишларидан бошқани сўзлашмасди... Тўри, аёл зоти эркак қишига нисбатан бозор-ўчарга уста, ўқувли. Пул топиш, ишлатишни, иктисодни ҳам ўрнига қўяди, пишиқ-пухта. Уйда эри болаларига қараб турса, бозорни ўзи уйдалайди. Илгари чайқов дейларди. Кўкон шаҳридаги бу «қора бозор» таърифи узоққа кетган. Ҳозир Кўкондан ташқари Қорасув, Учқўрғон, Қирғиз бозор деган жой-

Инсонпарварлик сиёсатининг ифодаси

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўров натижаларига қўра, фуқароларнинг 90 фоизи мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликка ўзгартириш киритиш борасидаги чора-тадбирларни маъқуллаган. Бу эса жиний жазо тизимини инсонпарварлик ва адолат тамойили асосида либераллаштиришнинг юртимиз тўғри йўлдан бораётганини яна бир қарра тасдиқлади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида изчил чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган мақсад аниқ: мамлакат Конституция ва халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш.

Инсонпарварлик тамойилига қўра, жиноятчилик жазо тайинлашда уни жазолаш эмас, балки соғлом ҳаётга қайтишига имкон бериш асосий мақсад саналади. Бу эса ҳуқуқ-тартибот тизимининг жазоовчи эмас, тарбияловчи вазифасидан келиб чиқади. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам маъзур тамойил тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Республикаимизда ўтган йили 2000 йилдаги қараганда, қотиллик 20 фоизга, безорилик 6 фоизга камайгани ҳам жиний жазо тизимини либераллаштириш нечоғлик тўғри қадам эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиний жазо турларидан чиқарилиши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказишга қўра, қўллуқчи каби муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тизимини либераллаштириш борасида ҳал қилувчи қадам бўлди. Мутахассисларнинг эътиро-

Узбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».



Эътироф

«Йилт этган чироқ» ёхуд ўз осмони бор йигит

Уша куни — минг тўққиз юз тўқсон биринчи йилнинг бешинчи апрелида офтоб чарақлаб турган бўлса-да, назаримда, бобоқўш янада ўткирроқ ёғду сочаётгандек эди.

Оқсаройнинг кунгай томонидаги мўъжаз ховлида ажиб бир кўнглихушлик ила давом этаётган даврани таниқли шоиримиз раҳматли Нормурод Нарзуллаев бошқариб борарди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Мен ўзини катта давраларда намоён этишга кўпинча ийманиб юрса-да, бироқ гўзал шеърлар битиб тенгдошлари орасида ўз овозига эга бўлган, айни чоғда шеър ва сўз қадрини бениҳоя юқори тутувчи ёш шоирлардан бирини имкон тугилгудек бўлса Абдулла акага яқинроқ таништириш ниятида эдим.

— Устозларимиз бизга ҳар бир ижодкор ўз йўли, ўз овози, ўз услубини топиб куйласин, деб сабоқ берадилар, — деб бошлади у сўзини.

Сўнг шоир ўзининг «Йигитнинг» радифили бир шеърини ўқиди. Кейинчалик кўплай тўйбони суҳбатдорларнинг тилак сўзлариға, хонадаларнинг машҳур кўшиғига айланб кетган бу шеър ўшанда даврани янада жонлантириб юборган эди.

...Тинглагани маст қиладиган, Фаюр дилин паст қиладиган,

ёзган сўзбошида. Унинг ижодини «шаршарадек соф шеърят» деб эътироф этади. Атоқли шоирнинг бундай эътирофи бежиз эмас.

Фўжури музлаган, қони тўнлаган, Ёй тугул қозикнинг учин йўнмаган, Чиборни қўя тур, чўбир минмаган, Бир дадар ўзини кўнгирут дейди, Демагин, дема-я, кўкайми куйди...

Хол Муҳаммад Хасан шеърим мушоахда қамрови кенг ижодкор. Унинг янги сайланмасини ўқиб, шоиримиз халқ тилини, халқона оҳанглари, устозлар босиб ўтган изланиш йўллари пухта эгаллагани ва мудом изланишда эканига амин бўламан.

Унинг поэтик манзара яратиб санъати ҳам ўзига хос. Буни шундан ҳам англаш мумкинки, у худди бахшилар каби ўшатишга қиёслаш, сифатлаш менгзалмаларни шеърларида маржондай тизишга қодир.

Шундан сўнг Хол Муҳаммад Хасан кўп мазмунли шеърлар битди. Уларни саралаб «Охува», «Қадимий кўшиқ» каби гўзал китоблар чоп этирди.

дейди. Бунга эришиш учун мисралар устида бетиним изланишдан ташқари, айрим топилмалардан воз кеча билмоқлик ҳам зарур экан.

Шоирнинг тасвири тиниқ чикса, табиат ёки инсон туйғуларининг манзаралари нафис ва тўлақонли ақс этган бўлса, ўқувчида завқ уйғонмаслиги мумкин эмас.

Дарёлар гувиллаб чопар денгизга, Қушлар хаёлини завққа ўрайди. Замин мўъжизалар берар-у бизга, Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.

Рассом яратган гўзал манзарани завқланмасдан томоша этиб бўлмаганидек, шоирнинг ҳаёт ва инсон туйғулари манзарасидан яратган бадиий образларини ҳам ҳайратсиз идрок этиб бўлмайди.

Сулувнинг сирғасидай Сирғалади кўкда ой...

Ой айланб чимилдикда Келин бўлиб сузилсин-а...

Кетди ёр, омон-омон, Оловланиб-олланиб. Белида кирқта илон Соқчиликка ёлланиб.

Барини тутди гуллар, Пойини ўпди йўллар, Сочин силар сумбуллар, Сиполаниб-солланиб.

Ай, бу тун, ой бутун, ойдинми, Ойдинга ё бетинг қайдингми? Йилдинг сел-себор, лайливор, Мендан-да мажнуни суйдингми?..

Хол Муҳаммад Хасан шеърларидаги ажиб сеҳр ва жозибани мен яна унинг Махтумқули оҳанглирига эш бўлган пандномаларида ҳам кўп кузатаман:

Ноқасдан нон тилама, очдан адо бўлсанг ҳам, Хузурга йўлама, гўдбир габо бўлсанг ҳам, Беш кунлик шу умрингда беминнат олгин нафас, Бош эгма ҳеч бирова, бошдан жудо бўлсанг ҳам.

Ҳақирдан ҳол сўраб қўйгин даруд дилинг очаринг бор, Гоҳи яёв юриб қўйгин, қайдам... отдан тушаринг бор.

Мол — омонат, жон — омонат, давр ҳам, даврон омонат. Мозорларга бориб қўйгин, бир кун тупроқ қучаринг бор.

Шоир айтиб ижодий балогат ёшида кўнча дунё тилсимларидан маънолар излаш, лаҳзаларни мангуликка муҳрлаш, қадим қўшиқларга янги битиклар қўиш умидида халқ бахшилари сингари думбрасини ажиб оҳангларга созлаётди.

Хангома

«Мақтанишни билмайман»

Қайси Умар ака?!

Ўзининг шеърим машқлари билан журналистика факультетида яши танилган бир шоирсифат курсдошимизни кўнглик домларам ҳам ҳурмат қилишарди.

Бир кун устозингни қайфияти йўқ эканими, «Нега кеч келянсан?» деб қолди:

— Халиги, Фалончи акамнинг олдида келаятганим, — деди у машҳур халқ шоирларидан бирининг номини тилга олиб.

— Дарсдан кейин қаерга борасан?

Шоир баҳонаси ўтганидан қувониб, тўқмага зўр берди: — Уошмага, Писмадончи акамнинг олдиға бораман. Шеърларимни китоб қилмоқчимиз, — деб у яна бир таниқли шоирнинг номини сотди.

«Шоир» ўзича ўйланган киши бўлди-ю, лекин тополмади: — Билмадим, домла.

— Билмасанг, билиб ол, буни Умар акам ёзган, — деди устозимиз.

— Қайси Умар ака?

— Умар Хайём-да, — деди домла хотиржам. Бироздан кейин аудиторияда кулги кўтарилди.

«Музик»

Талабаликнинг илк кунларидақон рус тили ўқитувчиси дарсин русча ўта бошлади. Дастлаб танишув бўлди, ҳар ким ўзи ҳақидаги маълумотларини рус тилида қурб этганига гапиряпти.

— Ўйлаётганми? — деб сўраб қолди. Шошиб қолган Нурмажон эса ҳаяжонланиб: — Нет, я музик! — деса бўладики.

Кулишдан бошқа чорамиз қолмади.

Шеванинг шапалоғи

Талабалиқда шевадан воз кечиб, адабий тилда гапиришга уринсанг-да, кўпинча «қовун тушириб» қўядиқ.

Шоҳиджон деган андижонлик йигит айни имтиҳонлар пайти самарқандлик Нигорахондан ноиб бир китобни икки кунга сўраб олган экан.

Шоҳиджоннинг «изҳор»дан жамли чикқан Нигора эса ўйлаб ҳам ўтirmади. Шохиджон қулқоқ-какасига тарсаки тортиб юборибди. Шеваси панд бериб, «изладинг» дейиш урнига андижонча-сига «истадинг» деб юборган Шоҳид эса хатосини тушуниб, дарров тузатибди:

— Кеңирасиз... изладим, қидирдим. Мана китобингиз, катта раҳмат!

Шу воқеадан кейин Шоҳид университетни битирганимизча бошқа бировни «истамайдиган» бўлди.

Биринчи уйланиш

Талабалиқда оғайнимизнинг тўйига бордик. Ҳамма бир-бири сўз олиб ёшларни табрикламоқда.

Табриқлар пайти ўринларидан туриб қўйиш эса келин-қувининг хаёлига ҳам келмасди. Тоғасининг обрўси учун казо-казола йилгилишган.

— Мен шеър ўқиганда лоқал келин-қув ёрнидан туриб қўймади-я, Саид ака, — деса, қувнинг тоғаси: — Узр, жиним ҳали ёш, устига биринчи уйланиши, ўрганиб кетади, — дейди хотиржам.

Яхшиям уйланишим!

Биринчи курсда ўқитган пайтимиз ёши каттароқ курсдошларимиздан бири уйланидан бўлиб қолди.

Уч-тўртта амиз деканнинг хузурига, қувё учун дарсдан рухсат олмоқчи бўлиб кирдик.

Домланинг авзойи бузук, давомат яхши бўлмаётганлигидан нолиб қолди. Бизнинг рухсат сўрашимиз эса ўлганнинг устига тенгандай бўлди.

— Менга қара, аввал сени ростдан ҳам уйланиётганлигини аниқлаш керак, жавоб бериш масаласини эса кейин ўйлаб қўрамиз. Билиб қўй, агар мени алдаётган бўлсанг, ректорга ўзим айтиб, сени ўқишдан ҳайдатиб юбораман, — деди декан жиддий оҳангда.

Бу гапдан кейин «Чиндан ҳам, тўй ёлгон бўлса-чи?» деб ўйлаб қолдик. Қувё бола эса, худди уйланиса, ўқишдан ҳайдалиб кетганидандай эсанкираб, саросимага тушиб қолди.

— Хошимов, сенга бир ҳафтага рухсат. Суриштириб билдик, ростдан ҳам тўйнинг бўлаётган экан, табриқлайман, — деди.

— Қувё бола бўлса бекитири: — Яхшиям уйланиётганим, бўлмаса ўқишдан ҳайдалиб кетарканман-а, — деб юборди.

Бу киши «биз»дан

Қониға маҳаллийчилик, тароққашлик иллатлари сингиб кетган бир курсдошимиз дарс пайтида бирор бир шахс ҳақида гапирилса, албатта, уш одам унга «маҳалладош», «гумандош» ёки «виноятдош» бўларди-да, бирдан:

— Бу киши «биз»дан, — деб юборарди қувониб. Бу гал иккиланди, шекилли, ёнидаги «қабилалар»дан: — Бу одам ҳам «биз»данми? — деб сўраб қолди.

— Афсуски, бу «сиз»дан эмас, отасидан экан! — деди шериги унга жавобан.

Кулофингиз қолибди

Семизлигидан гавдаси қорнига қўшилиб, кулоғи калласига ёпишиб кетган бир акахонимиз ориқдан келган, кулоқлари каттароқ бир шоиртабиат дўстимизга ҳазил қилди:

— Шу кулоқ қурингандан кейин, албатта, сиз бўлсангиз керак, деб ўйловдим ўзим ҳам. Фақат кулофингиз қуриниб қолибди-ку!

— Шунисига ҳам шукр, ака. Сизнинг ҳеч қаврингиз қуринмай кетибди-я! — деди шоиртабиат дўстимиз ҳозиржавоблик билан.

«Суюк оёқ»

Дўстим туфлисини менинг кремим билан ёгламоқда эди. Кун иссиқлигидан мой оёқ-моз сувоғлан экан.

— Нега суқолибди? — деб сўради у.

— Суюк оёгингизга суюк мой яхши-да, — дедим кулиб.

Кимга ярашади?

Атрофдагиларга халал бермаслик учун паст овозда гаплашган икки дўстимизнинг ҳолатини кўриб, гийбатчироқ бир курсдошим ўзига ўшатиб шекилли, уларнинг бирига қараб:

— Гийбат қилиш сизга ярашмайди, — деди.

— Билмасанг, фақат сизга ярашади, — дейишди унга жавобан паст овозда.

Хуришд РҶЗИЕВ

Назм

Ёлғизоёқ йўл



Мен ётган хонадан оёқ учиди чиқиб кетадиган бир қанотсиз фаришта воситасида.

Ҳақиқат

Маъсум қалбингга муҳрларан — ўт келтирган Прометей, Шераудлик шероқар Робин Гуд, Олижаноб рицерь Дон Кихот қиёфалари.

Тушларингга киради.

Маъсум қалбингга муҳр излари чиркин яранинг очилган кўзлари каби ачиша бошлайди бир кунни Прометей — ўғри, Робин Гуд — қароқчи, Дон Кихот — савдойи эканлигини англаганинг сари.

Ва маъсум қалбингга қавариб қолади чандик излари.

Зиёрат

Тўқсон ёшни қоралаган ёлғиз бошли Ҳабибуллоқ бобонинг кўнгли

ҳеч ким ёпишини ҳам, ҳеч ким тепишини ҳам истамайдиган бир бўсаға каби — бир гариб, бир мискин, кемтик ва... тоза эди.

Бугун тушар чамамда, унинг қалбига ёлғизоёқ йўл.

Икки кўшним

Кўшним мошин олди, ўн миллион сўмга, Ҳамма кўтлар уни, у-чи — норози: «Оқ ранглигин олдим, шошиб мен, тунка, Қора мошин минар йигит хурози».

Кеч уйига шошар иккинчи кўшним Хиэрни кўргандай, ҳаётдан мамнун. Бу кўшним олибди, ўзига қийим. Ўн минг сўм нақд санаб, ола шим учун. Ҳайитбой АБДУСОДИК

Мулоҳаза

Гудакнинг ёруғ дунёга келиши ҳар бир оила учун катта қувончдир. Азалдан ота-оналар болаларига кенгашиб ном қўйишган. Лекин кейинги пайларда тўғри келган исми болага қўйиш одат тусига кирмоқда. Энг

Исми жисмига монанд бўлса...

Рохила — миниладиган туя («Хайратул-аброр» 68-бет), Мазлума — жабр кўрган, озодликдан маҳрум аёл («Анибё ва ҳукамолар тарихи», 220-бет), Алим — аламли («Назм-жавоҳир», 34-бет), Аҳдам — қора тўрик от («Ҳазойинулмаоний», 223-бет), Жобир — жабр қилувчи ситамкор («Тарихи мулки аҷам», 216-бет) маъноларини билдиради.

Айримлар фарзандига «Фурқат» деб ном қўйишган. Буни улғу шоирга нисбатан ҳурмат, эҳтиром ифодаси дейиш мумкин.

Лекин Жаҳонгирга қандай ижобий маъно юкласа бўлади? Бундан ташқари Қочди, Ёвқоли, Тўхташ, Етимқўзи, Тошгул, Оппоқ деган исмлар ҳозирги пайтда ҳам кўп учрайди. Бўлалар улгайганда, кўпинча ўзларига қўйилган исмдан кўнгиллари хира бўлиб юришади.

Ўзбекларда, умуман, туркий халқларда ҳикматли, маъноли, латофатли исмлар жуда кўп. Масалан, Ҳалим, Мунаввар, Хуриш, Гулшод, Дилнавоз, Хушуд, Зилола, Лола, Каби билар. Истардимки, бу

Аннамурод ЖУМАКУЛИЕВ

Advertisement for Uzbekistan Airways featuring flight routes and contact information.

Newspaper footer containing contact details, subscription rates, and publication information for Hurriyat.